

O'zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil  
27-iyun  
payshanba  
№ 26 (1401)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!  
Авваламбор, ўз истеъдоди ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, миллий журналистикамиз жонкуярларини, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маълумки, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қоида ва тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар тақомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакилларининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг

қонуний муносабатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўрнини ва таъсирини тобора орттириб бораётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу ўринда газета ва журналларимиз, теле ва радио каналлар, ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги долзарб чиқишлар, муаммолар масалалар юзасидан мутахассис ва экспертлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, таҳлилий шарҳлар, баҳс-мунозаралар сезиларли равишда кўпайганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий ва таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Мухтасар айтганда, кунунчаки олижаноб журналистларимиз, фаол блогерларимиз ўзларининг қатъий позицияси, ҳаққоний сўзи билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислохотларимизнинг самарасини ошириш, юрдошларимизнинг фикрини, дунёқарабини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси миллий медиа воситаларимиз “тўртинчи ҳокимият” даражасига яқинлашиб бораётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, бундай юксак маррага етиш осон эмаслиги, бу йўлда тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиийдир.

Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, бу борадаги ишларимизни қатъият билан давом эттирамиз.

Мухтарам дўстлар!  
Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда.

Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва довурак, Ватанини чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонлар тобора кўпроқ бўлишини тақозо этмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим, деб ўйлайман.

Шунингдек, бугунги кунда ёлғон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш,

тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаётган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт.

Сиз, ҳурматли медиа тармоқлари вакиллари ана шундай масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Албатта, соҳада хизмат қилаётган барча юрдошларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ушбу қувончли айёмда сизларни қутлуг касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, ҳонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган оммавий ахборот воситалари ходимларини чин дилдан қутлайман.

Излаш ва илҳом завқи, янги ижодий ютуқлар сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

### ФАХР

## ЖУРНАЛИСТЛАР

Бу йўлларнинг сўқмоқлари оғир-оғир, Тўғри сўзнинг тўқмоқлари оғир-оғир, Зарбалардан елкаларим ҳамон оғир, Оғир юкка елка тутган журналистлар, Оқ тонглари бедор кутган журналистлар.

Гоҳи отлик, гоҳи яёв тоғлар ошиб, Сўз айтмоқнинг ишқи билан ёниб, шошиб, Сўқмоқларда гоҳ адашиб, гоҳ талашиб, Игна билан қудуқ қазган журналистлар, Не бўлса-да, ҳақни ёзган журналистлар.

Бу йўллардан ким келмаган, ким кетмаган, Манзилига ким етган-у, ким етмаган, Ҳақ сўз айтган зотларни эл унутмаган, Она юртнинг кўзи бўлган журналистлар, Олов янглиғ сўзи бўлган журналистлар.

Журналистнинг нони қаттиқ бўлар эмиш, Нонидан ҳам жони қаттиқ бўлар эмиш, Бир сўз ичра минг туғилиб, ўлар эмиш, Эл ишига фидо бўлган журналистлар, Ҳақ йўлида адо бўлган журналистлар.

Ашъор битдим байрамингиз бир баҳона, Сизга умр тиламасман зўр, шоҳона, Қучоғидан айирмасин Ватан-она, Шу Ватанга қўқси қалқон журналистлар, Ҳар бири бир Ўзбекистон, журналистлар!

Ҳар бир жумла — юрагингиз бир парчаси, Маърифату маънавиятнинг дарчаси, Пойандоздир сизга шеъримнинг барчаси, Миллат шаъни, ифтихори журналистлар, Ёр Муҳаммад дил иккори журналистлар!

Ёр МУҲАММАД

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги ян-

гиланиш жараёнларини ёритиш, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

#### “Меҳнат шухрати” ордени билан

Тайпатов Абдижаппол Гаппарович – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ҳудудий ахборот тахририяти бош муҳаррири

Темиров Собиржон Ғуламович – Бешариқ тумани “Бешариқ тонги” газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

(Давоми 2-бетда)

### АНЖУМАН

## ЗОМИН – ДУНЁ МАҚОМЧИЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Мақом – бутун дунёда эътироф этилиб, юқори баҳоланадиган санъат. У бағрикенглик, инсонпарварликни тарғиб қилади. Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шундай пок туйғуларни таран-

нум этувчи мақом санъатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш

тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ жорий йилда мазкур халқаро анжуман иккинчи марта ўтказилмоқда.

3-6



### МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ

## ҲАЗРАТ ЗАНГИ ОТА ВА МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ



Туркман халқининг улуғ фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккир ҳисобланади. Шу маънода, 2024 йилда нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО раҳнамолигида Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллик қутлуг юбилей санаси дунё миқёсида кенг нишонланаётгани, ўз навбатида, ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти жорий йили — Махтумқули йили, деб эълон қилгани бежиз эмас.

Бундай юксак умумбашарий эътибор, шубҳасиз, улуғ шоир адабий мероси жаҳон сўз санъатининг бебаҳо хазинасига айланиб, инсониятнинг

маънавий олами юксалтиришга хизмат қилиб келаётганидан далолат беради. Айниқса, Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилишини таъкидлаш бизга чексиз фахр-ифтихор ва мамнуният бағишлайди. Бунга биргина мисол: Тошкентда 2017 йили Махтумқулининг “Элинг бахш айла” номли сайланмаси олим ва таржумон Эргаш Очилов таржимасида чоп этилганди. Орадан атиги уч йил ўтиб, 2020 йилда шоир ва таржумон Мирзо Кенжабек таржимасида буюк туркман шоирининг “Ошиқлар Ҳақ ишиқинда” ҳамда “Махтумқули” номли китоблари нашрдан чиқди.

5-6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИМАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ  
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

## “Дўстлик” ордени билан

**Абдусаматова Мукаддас Салиховна** – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист**Бекназарова Саодат Узбековна** – “Овози тожик” газетаси катта муҳбири**Джураева Дилфуза Джангировна** – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист, Сурхондарё вилояти**Кляцкий Григорий Николаевич** – “Ишонч-Доверие” газетаси бўлим муҳаррири**Левченко Сергей Владимирович** – “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири**Нугманов Равшан Якубджанович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиоэшитириш уйи овоз ёзиш хизмати режиссёри**Очилов Кудрат Менглиевич** – “Бир сафда” журнали масъул котиби**Палуанова Мнаим Пирназаровна** – “Nukus-Sayahat” масъулияти чекланган жамиятининг “Жаслар-TV” телеканали ва “Нукус-ФМ” радиоси директори, Қорақалпоғистон Республикаси**Содиқов Икром Мамадалиевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари**Тоҳиров Халимжон Тургунович** – “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари тахририятининг “Andijonpota.uz” интернет нашри муҳаррири**Хакимов Талип Адилевич** – Нурафшон шаҳри “Машъал” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилоятиII даражали “Соғлом авлод учун”  
ордени билан**Боймирзаева Саодат Ураковна** – Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг матбуот котиби**Муминов Файзулло Абдуллаевич** – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг жамоатчилик билан алоқалар кафедраси профессори**Хасанова Захро Тулкуновна** – “Гулхан” журналы бош муҳаррири

## “Соғлом турмуш” медали билан

**Имомхўжаев Зафар Ахбарович** – Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раисининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси – матбуот котиби

## “Келажак бунёдкори” медали билан

**Абдурахимов Муслимбек Фозил ўғли** – “Zo’r TV” телеканалининг “Bu kun” информацион дастури раҳбари

## “Шухрат” медали билан

**Абдукадиров Дилшод Ахмеджанович** – “Kun.uz” интернет нашри бош муҳаррири**Абдурахманова Феруза Абдуганиевна** – “Mening yurtim” телеканали бошловчиси**Абидов Азиз Агзамович** – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази бошлиғи – матбуот котиби**Алимухамедов Туйғун Вахабович** – “Ўзбекистон кўзи” оқизлар босмаҳонаси давлат унитар корхонаси муқоваловчиси**Базаров Бахриддин Хайдарович** – “Akademnashr NMM” масъулияти чекланган жамияти бош расоми**Байтураева Гулжамал Оринбасаровна** – “Нурлы жол” газетаси бўлим мудири**Воҳидова Нозима Рахимовна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat telekanali” давлат муассасаси кино-видеомахсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти катта муҳаррири**Гулямова Дилфуза Иззатовна** – “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририятининг Навоий вилояти бўйича махсус муҳбири**Джамалов Кахрамон Джумаевич** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston 24” телеканали муҳаррирлар гуруҳи бош муҳаррири**Джумабоева Раҳима Мустафаевна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти

телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

**Зокирова Турсунтош Нормуродовна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳбири**Иноятнова Назира Сайпуллаевна** – “Авторадио” радиоси дастурлар бўйича директори ва эфир бошловчиси**Клиббаев Абатбай Реймбаевич** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари**Матчанова Интизор Жумабоевна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston 24” телеканали Хоразм вилояти бўйича муҳбири**Муротова Муслима Камолидиновна** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston” радиоканали режиссёрлар гуруҳи суҳандони**Ниязов Норбек Рамазанович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O’zbekiston 24” телеканали янгиликлар муҳарририяти бош муҳаррири**Пирнафасова Муҳайё Рустомовна** – “Жадид” газетаси адабий муҳаррири**Саидов Шеродил Худайбердиевич** – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг чоп этиш цехи устаси**Сулайманова Алия Исмаиловна** – “Darakchi.uz” интернет нашри бош муҳаррири**Сулаймонов Шодмон Султонович** – “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари тахририяти бош муҳаррири, Бухоро вилояти**Шамсиддинов Ёлқин Хакимович** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-маркази етакчи мутахассиси**Эшонқулов Замон Асрорович** – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи махсус муҳбири**Юсупов Аҳмад Менгнимуратович** – “Daryo.uz” интернет нашри бош муҳаррири.Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2024 йил 25 июнь

## ШУКУҲ

ИЖОД АҲЛИГА  
ЮКСАК ЭЪТИБОР

Ҳамиша эл-юрт тақдири, Ватан равнақи, унинг буғуни ва эртаси учун жонфидолик, қўнчаклик билан ёниб ижод қилиш, қаердаки бирор муаммо ечимини қутаётган бўлса, ижобатини излаш, муаммо илдинини, керак бўлса, сабабини тегишли мутасаддиларга ҳавола қилишга шошилиш, яна адолат ва ҳақ сўзни айтиш, айта билиш, одамларни доимо уйғоқликка ундаш... буларнинг бари журналистикага хос фазилатлардир.

Бундай заҳматли ва савобли касб эгаларини эса юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари деб атайдилар.

Ўзбекистонда матбуот, ижод аҳли ҳамиша эътиборда, эъзозда. Шу боисдан ҳам Давлатимиз раҳбари соҳа вакилларига ҳар йили ўз табрикларини йўллайдди, касбнинг илғор ва фидойиларини давлатимизнинг юксак ордени медаллари билан мукофотлаш тўғрисида Фармон эълон қилинади.

Ана шундай эзгу анъанара мувофиқ кеча пойтахтимиздаги “InterContinental Tashkent” мажмуасида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан тантанали, шукуҳли байрам тадбири юқори савияда ҳамда янги форматда ташкил этилди.

Тантанали маросимга устоз журналистлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, медиа соҳа ходимлари, хорижий ОАВ вакиллари, республикада фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, таниқли ижодкорлар, журналистика йўналишидаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари тақдир қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг тегишли Фармонида кўра ҳукумати-мизнинг нуфузли ордени медаллари билан тақдирланган ижодкорларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева юксак мукофотларни топширди.

Байрам дастурида таниқли санъат усталари ва истеъдодли ижрочи ёшлар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз.

## ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР  
УЮШМАСИ

юртимизнинг барча ОАВ вакилларини, фидойи журналистлар, матбаа соҳаси жонкуярларини **27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини** билан самимий муборакбод этади.

Сиз азизларга узоқ умр, бахт-саодат ва ижод, изланиш саодатини тилайди.

**27 июнь — Матбуот  
ва оммавий ахборот  
воситалари  
ходимлари кунини**

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган эзгу ишлар, улкан ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда, элимизни ҳамиша уйғоқликка, фидойиликка ундаб келаётган сиз азиз ҳамкасбларимизга, қадри баланд устозларимизга доимо омонлик, оилавий бахт-саодат тилайди.

Холислик, жасорат ва адолат ҳамиша сиз билан бўлсин.  
Касб байрамингиз муборак, азизлар!









МИННАТДОРЛИК

УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

Соҳага кириб келишимда адиб Абдулла Жалил муҳим роль ўйнаганлигини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Ушанда мактабда ўқиб юрган пайтларим эди. 9 “А” ва 9 “Б” синф ўқувчилари ўртасида “Ўткир зеҳнлилар” мушоираси ўтказилди. Шу янгиликни ёритиш мақсадида кичик хабар ёзиб Тўрақўрғон туманида чиқадиган “Машъал” (ҳозирги “Давр”) газетасига юбордим. Мақолам тез орада босилиб чиқди. Мана шу хабар тақдиримни бутунлай ўзгартириб юборди, десам, муболаға эмас. Чунки аввал ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилгандим.

Бу касбга меҳр уйғотишда Абдулла аканинг хизмати бекиёс. Олий таълим даргоҳини кечагина тамомлаган тахририят адабий ходими ўз вазифасини бажариш билан бирга ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам вақт топиши осон бўлмагандир. Чунки ҳали ёўр, хабар ёзишни ҳам эплай олмайдиган мактаб ўқувчисини заҳматли касбга йўллаш, унда келажақда зур журналист бўлишга ишонч уйғотиш ҳам-манинг ҳам қўлидан келавермайди ахир.

Ушанда менга ўхшаганлар кўп эди. Ҳар гал тахририятга мақола кўтариб борганимда Абдулла ака вақт топиб суҳбатлашар, зарур тавсиялар беришдан чарчамасди. Бизга эса газетада чоп этилган ҳар бир мақола ўзгача завқ, мотивация ато этганлигини сўз билан ифодалаш қийин.

Орадан ярим асрдан ҳам кўпроқ вақт ўтди. Сиртдан бўлса ҳам Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомладим. Ви-

лоят радиосида, Ўзбекистон телевидени-есида, газеталар тахририятларида ишладим. Абдулла ака билан устоз-шогирд мақомидаги дўстона алоқаларимиз, ижодий ҳамкорлигимиз йиллар сайин мустақамланиб борди. Устоздан кўп меҳр кўрдим, қимматли маслаҳатлар олдим.

Бугун жуда кўп эслайман Абдулла акани. Чунки меҳридарё инсон изидан бориб кам бўлмадим. Баъзида ёшлар келажагига умид билан қараш, уларни қўллаб-қувватлаш жуда-жуда муҳимлигини устоз тимсолида яққол кўрдим.

Абдулла ака ҳаётларининг сўнгги дақиқаларигача маслаҳатгўй ва мададкорлик мақомини аъло даражада уддаладилар.

Ҳар қалай, соҳада бугунги даражага етишимда Абдулла ака каби таниқли журналистларнинг ҳиссалари бекиёс эканлигини асло ёддан чиқармайман. Иброҳимжон Юсупов, Йўлдош Эгамбердиев, Ғулмжон Акбаровлар газета-

чилиқда, Обиджон Жуманазаров, Носиржон Жўрабоевлар радио соҳасида, Хайрулло Мурашев, Дилдора Аҳмедова-лар телевидение йўналишида камол топишимда хизмати сингган устозларимдир. Айни пайтда ҳозирги давр адабиёти ва журналистикасининг таниқли вакили Содиқ Сайхун билан бир сафда хизмат қилаётганимдан бахтиёрман. Айниқса, болалиқда шу касбга қизиқиш уйғотган ва ўз ортидан эргаштирган ҳамқишлоғимиз, Тўрақўрғондаги биринчи дипломли журналист, меҳнат фахрийси Ҳамид ака Фозиловдан бир умр миннатдорман. Ўз навбатида қимматли маслаҳатлари ва амалий ёрдами билан ҳар томонлама қўллаган таниқли журналист, серқирра ижодкор Нурбек ака Абдуллаевдан ҳам миннатдорман.

Йиллар ўтди. Бугунги кунда ўзим ҳам устозлар ёшидаман. Ёшлар келажагига умид билан қараш, ўз иқтидорини юзага чиқариш учун далда, зарур маслаҳат бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш қанчалар муҳимлигига ўз фаолиятимда яққол амин бўлдим. Шу сабаб ушбу қоида бугун фаолиятим мезонига айланган.

Абдулла ҒОЗНЕВ,  
“Шифокор ва ҳаёт” газетаси муҳаррири,  
“Жасорат” ва “Соғлом турмуш”  
медаллари соҳиб.

ҚАДРИЯТ

Ўлкашунослик — ўз туғилган ва яшайдиган жойи, ўлкаси ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлиб, бу тушунчанинг келиб чиқиши жуда узоқ даврлар, қадим инсоният пайдо бўлган манзилларга бориб тақалади. Ибтидоий одамлар ҳам ўз яшаш жойлари табиатини жуда яхши билишган, улар ўзларининг энг содда билимларини тошларга чизишган. Бу тасвирлар очик осмон остидаги музейлар тариқасида бугун бизгача етиб келгани қувонарли ҳолдир. Бундай расмларнинг анчагина қисми мамлакатимизнинг Зараутсой, Сармишсой каби қадим аждодларимиз яшаган манзилларда ҳозиргача сақланган қолган. Инсоният жамиятининг ривожланиши билан ўлка тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўплана бошлади.



ҚИЗ КУЗАТАР МАРОСИМИ

Дарҳақиқат, ёзма ёдгорликлар ва манбалар орқали биз қадим ота-боболаримиз яратган осори атиқалар, иероглифлар, ёзувларнинг келиб чиқиш тарихи, уларнинг маъно ифодалари ва чизилган суратларда акс этган турмуш тарзи инъикосларини тасаввур қиламиз.

Айниқса, ўзбек халқининг қадимий расм-русумлари — дунёқараш, ишонч-эътиқодлари, турмуш тарзи ва фалсафий қарашлари, асрлар бўйи жамланган ҳаётий тажрибалари ва турмуш кўникмаларини ўзида мужас-самлаштирган. Энг жозибали маросимлардан бири бу никоҳ тўйидир. Халқимизнинг қадимий эътиқодлари, маданияти, тарихи, орзу-умидлари, ҳаётга муносаба-тини ўрганишда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамиятга молик, албатта.

Дунёдаги қўллаб бошқа халқлар сингари, ўзбек тантаналари орасида никоҳ тўйи маросимлари ўзининг турли анъаналар, урф-одатларга бойлиги, этнографик манбаларининг ранг-баранглиги билан алоҳида ажра-либ туради.

Яқинда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги бир қишлоққа никоҳ тўйига бордик. Биласизми, у ерда мени хайратга солган бир урф-одат каминанинг эътиборини тортди.

Мен бу мақолага қўл уришдан олдин бир қатор усто-зларимга ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Уларга қайта-қайта битта саволни бердим: “Сиз эшит-ганимизис ёки кўрганимизис шунақа удумни, расм-ру-сумни?” деб. Биласизми, улар нима деб жавоб бе-ришди? “Ҳамма жойда ҳар хил, тўғри, бироқ воҳада яхши сақланган ва давом эттириб келинаётган бундай урф-одатларнинг сабабини, унинг ўрни нимадалигини ўрганинг ва ёритинг”, деб маслаҳат беришди. Шу боис мақолани ёзишга жазм этдим.

Хуллас, мен борган қишлоқ Бoғбoн маҳалласида жойлашган, табиати, ҳавоси тоза, сувлари шарқироқ, ўт-ўланлари кўм-кўк, чегара билмайдиган сою адир-лари, бепоён маскани, ҳовли деворлари йўқ, ажиб та-саввур берадиган макон экан. Мен қишлоқдаги бир ўзбек хонадонида меҳмон бўлдим. У ерда қиз куза-тар маросимида ҳамма расм-русумлар тўлиқ адо этилгач, кувё келинини ота уйидан олиб чиқиб, ўз ко-шонаси сари йўл олишига тараддуў қўрилаётган эди. Айни дамда келиннинг уйида чимилдиқ тутилган ва унинг атрофида амма, хола, янга, момо ва қудалар тўпланишган эди. Бир пайт кувё ва келиннинг бир-бирига ойна қўриш, оёқ босар, холвайтар, ширгуруч едирар, асал ялатар, соч силар удумлари тўлиқ адо этилиб бўлингач, навбат келин ва қайнонанинг қўри-шар маросимига етиб келди. Шундан сўнг бир янга бирдан:

— Чопон қани? Топинглар чопонни! Чопон бўлмаса, бўлмайди! — деб қолди.

Аёллар орасидан кимдир:

— Ҳа, чопон бўлмасаям бўлаверади. Ҳеч нарса қил-майди. Шунчаси бажарилди, битта-яримтаси қолиб кет-саям юраги ўйнамайди, — дея атрофни тинчлантирган бўлди.

Фотима РЎЗНЕВА,  
Ғузoр туман ахборoт-кутубхoна маркази  
абонемeнт ва фoйдaлaнувчиларга  
хизмaт кўрсaтиш хизмaти рaҳбaри.

ЭЪЛОН

2024-2025 ЎҚУВ йилида  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
БАКАЛАВРИАТИ КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИГА ЎҚИШГА  
ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА  
ЎҚИТИШ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ

| №* | Шифр                                   | Таълим йўналишлари      | Қабул параметрлари |              |     |
|----|----------------------------------------|-------------------------|--------------------|--------------|-----|
|    |                                        |                         | Жами               | шу жумладан: |     |
|    |                                        |                         |                    | ўзбек        | рус |
|    |                                        | ОТМ бўйича жами:        | 1 025              | 832          | 193 |
|    | шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича |                         |                    |              |     |
| 1  | 60910100                               | Стоматология            | 125                | 100          | 25  |
| 2  | 60910200                               | Даволаш иши             | 400                | 350          | 50  |
| 3  | 60910300                               | Педиатрия иши           | 175                | 150          | 25  |
| 4  | 60910400                               | Тиббий профилактика иши | 100                | 75           | 25  |
| 5  | 60910600                               | Олий ҳамширалик иши     | 25                 | 15           | 10  |
| 6  | 60910700                               | Фундаментал тиббиёт     | 100                | 75           | 25  |
| 7  | 60910800                               | Фармация                | 50                 | 37           | 13  |
| 8  | 60711100                               | Биотибиёт муҳандислиги  | 25                 | 15           | 10  |
| 9  | 60411200                               | Маркетинг               | 25                 | 15           | 10  |

2024-2025 ЎҚУВ йилида БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
МАГИСТРАТУРАСИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ  
МУТАХАССИСЛИКЛАР ВА ЎҚИТИШ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА  
ТАҚСИМЛАНИШИ

| №* | Шифр                                 | Мутахассисликлар                                                          | Қабул параметрлари |              |     |
|----|--------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------|--------------------|--------------|-----|
|    |                                      |                                                                           | Жами               | шу жумладан: |     |
|    |                                      |                                                                           |                    | ўзбек        | рус |
|    |                                      | ОТМ бўйича жами:                                                          | 200                | 139          | 61  |
|    | шу жумладан, мутахассисликлар бўйича |                                                                           |                    |              |     |
| 1  | 70910101                             | Стоматология                                                              | 8                  | 6            | 2   |
| 2  | 70910102                             | Юз-жағ жарроҳлиги                                                         | 3                  | 2            | 1   |
| 3  | 70910201                             | Акушерлик ва гинекология                                                  | 8                  | 6            | 2   |
| 4  | 70910202                             | Эндокринология                                                            | 4                  | 3            | 1   |
| 5  | 70910203                             | Терапия (йўналишлар бўйича)                                               | 10                 | 8            | 2   |
| 6  | 70910204                             | Оториноларингология                                                       | 6                  | 4            | 2   |
| 7  | 70910205                             | Кардиология                                                               | 6                  | 4            | 2   |
| 8  | 70910206                             | Офтальмология                                                             | 3                  | 2            | 1   |
| 9  | 70910207                             | Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)                                    | 3                  | 2            | 1   |
| 10 | 70910208                             | Дерматовенерология                                                        | 5                  | 3            | 2   |
| 11 | 70910209                             | Неврология                                                                | 6                  | 4            | 2   |
| 12 | 70910210                             | Умумий онкология                                                          | 4                  | 3            | 1   |
| 13 | 70910211                             | Психиатрия                                                                | 4                  | 3            | 1   |
| 14 | 70910212                             | Хирургия                                                                  | 4                  | 3            | 1   |
| 15 | 70910213                             | Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари                            | 3                  | 2            | 1   |
| 16 | 70910214                             | Нейрохирургия                                                             | 4                  | 3            | 1   |
| 17 | 70910215                             | Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш (йўналишлар бўйича) | 3                  | 2            | 1   |
| 18 | 70910216                             | Тиббий психология                                                         | 4                  | 3            | 1   |
| 19 | 70910217                             | Урология                                                                  | 4                  | 3            | 1   |
| 20 | 70910218                             | Морфология (йўналишлар бўйича)                                            | 6                  | 4            | 2   |
| 21 | 70910219                             | Наркология                                                                | 3                  | 2            | 1   |
| 22 | 70910220                             | Анестезиология ва реаниматология                                          | 4                  | 3            | 1   |
| 23 | 70910221                             | Травматология ва ортопедия                                                | 4                  | 3            | 1   |
| 24 | 70910222                             | Суд-тиббиёт экспертизаси                                                  | 3                  | 2            | 1   |
| 25 | 70910223                             | Патологик анатомия                                                        | 3                  | 2            | 1   |
| 26 | 70910224                             | Шошилинч тиббий ёрдам                                                     | 6                  | 5            | 1   |
| 27 | 70910225                             | Фармакология                                                              | 2                  | 1            | 1   |
| 28 | 70910226                             | Гематология ва трансфузиология                                            | 5                  | 3            | 2   |
| 29 | 70910227                             | Тиббий радиология                                                         | 4                  | 3            | 1   |
| 30 | 70910228                             | Фтизиатрия                                                                | 2                  | 1            | 1   |
| 31 | 70910229                             | Пластик хирургия                                                          | 2                  | 1            | 1   |
| 32 | 70910230                             | Тиббий генетика                                                           | 4                  | 3            | 1   |
| 33 | 70910232                             | Реабилитология                                                            | 3                  | 2            | 1   |
| 34 | 70910233                             | Спорт тиббиёти                                                            | 2                  | 1            | 1   |
| 35 | 70910234                             | Нейрореабилитология                                                       | 3                  | 2            | 1   |
| 36 | 70910301                             | Педиатрия (йўналишлар бўйича)                                             | 6                  | 4            | 2   |
| 37 | 70910302                             | Болалар хирургияси                                                        | 3                  | 2            | 1   |
| 38 | 70910303                             | Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси                              | 2                  | 1            | 1   |
| 39 | 70910304                             | Болалар кардиологияси ва ревматологияси                                   | 3                  | 2            | 1   |
| 40 | 70910305                             | Болалар неврологияси                                                      | 3                  | 2            | 1   |
| 41 | 70910306                             | Неонатология                                                              | 3                  | 2            | 1   |
| 42 | 70910307                             | Болалар ва ўсимирлар гинекологияси                                        | 2                  | 1            | 1   |
| 43 | 70910308                             | Болалар гастроэнтерологияси                                               | 2                  | 1            | 1   |
| 44 | 70910309                             | Болалар пульмонологияси                                                   | 2                  | 1            | 1   |
| 45 | 70910310                             | Болалар травматологияси                                                   | 2                  | 1            | 1   |
| 46 | 70910401                             | Гигиена                                                                   | 3                  | 2            | 1   |
| 47 | 70910402                             | Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги                                          | 2                  | 1            | 1   |
| 48 | 70910403                             | Умумий эпидемиология                                                      | 3                  | 2            | 1   |
| 49 | 70910601                             | Олий ҳамширалик ишини ташкил қилиш ва бошқариш                            | 6                  | 5            | 1   |
| 50 | 70910701                             | Лаборатория иши                                                           | 10                 | 8            | 2   |

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ



